

## ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ 90 ЁШДА: ТАРИХ, БУГУНГИ КУН ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ОДИМЛАР



Нуритдинов Махмудхўжа Низамович, Сулаймонова Маъмура Исламовна  
ЎзРесССВ Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази,  
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.

Тарихий маълумотларнинг гувохлик беришича, Ўзбекистон республикаси ўз фаолиятининг биринчи қадамларидан бошлаб, иқтисодий масалалар билан бирга халқ саломатлигини сақлаш ва касалликларни камайтиришга қаратилган ишларни амалга ошира бошлади. **Республика халқ комиссарлари Кенгашининг маҳсус қарорида “Ахолининг саломатлиги, унинг юксак жисмоний ва маданий кучларининг муҳим гаровидир. Тиббий ёрдам ўзининг бутун илмий ютуқлари билан ҳар бир киши учун хизмат қилиши керак. Фақат шаҳарларгагина эмас, балки қишлоқ жойларга ҳам етиб бориши зарур” дейилган эди.**

Хукумат қарорини ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги 1926 йил май ойида, вилоят соғлиқни сақлаш бўлимлари ходимларини съездини чақириди. Унда соғлиқни сақлашнинг долзарб масалалари: безгак касалликларига қарши кураш учун республика санитария ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, ҳамда эпидемиологик касалликлар профилактикаси масалалари кўриб чиқилди.

Ўша пайтгача мавжуд бўлган Москва, Ленинград ва Қозон шаҳридаги шифокорларнинг малакасини ошириш институтларига кам сонли шифокорлар юборилар эди. Энг муҳими у ерда касалликларнинг **худудий ҳусусиятлари ўрганилмаган**. Ўрта Осиё республикалари шифокорларининг малакасини оширишга бўлган эҳтиёжи ортиб бориши туфайли **республиканинг ўзида врачлар малакасини оширишни ташкил қилиш долзарб ва мақсадга мувофиқ деб топилди**.

**1932 йил 22 июндаги ВКП МК Ўрта Осиё бюросининг №459 Қарорига мувофиқ Тошкент шаҳрида Ўрта Осиё врачлар малакасини ошириш институти ташкил этилди.** Бу эса, 1926 йили соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги томонидан кўтарилган долзарб масаланинг амалдаги ечими бўлди.

Институтнинг асосий вазифалари анча мураккаб бўлиб, жуда катта худуд бўйлаб шифокорларнинг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш ва ихтисослаштириш, соғлиқни сақлаш тизимига раҳбарлар ҳамда ташкилотчиларни тайёрлаш, миллий кадрларни тарбиялаш билан бирга республикада илмий салоҳиятни янги босқичга кўтаришдан иборат эди.

Бундан ташқари, институт жамоаси ўша даврларда Туркистон аҳолисининг ҳаётига хавф солиб турган ўта хавфли юқумли касалликларни олдини олиш ва даволаш бўйича назарий ишланмалар ва қўлланмаларни яратиш ҳамда амалиётга тадбиқ этиши лозим эди.

Таълимнинг биринчи йилида яъни бошлангич даврида, кафедраларнинг фаолиятини шакллантириш ва моддий техник базасини яратиш, ўқув ва илмий ишларни режалаштириш ва ташкиллаштириш учун барча имкониятлар ишга солинди. Натижада илм маскани ташкилий масалаларнинг турли қийинчилигига қарамасдан, дипломдан сўнгги тайёрлашни 1933 йилдаёқ мавжуд бўлган бта кафедрада бошлади. Шу йили институтда биринчи бўлиб 84 нафар шифокор-тингловчи керакли мутахассислик бўйича малака ошириди. Йил сайн янги кафедралар очилиб, тингловчилар сони ортиб борди. 1933 йилдан то 1940 йилгача институтида 1.330 нафар шифокор ўз малакасини ошириди.

1941 -1945 йилларда институт жамоаси ўз фаолиятини давр талабини адо этишга қаратди. Тиббиёт ходимларини тайёрлаш 5,5 маротабага кўпайди. Фронт ва эвокогоспиталлар эҳтиёжи учун 4585 нафар шифокор тайёрланди.

Урушдан кейинги йилларда шифокорларни тайёрлаш ва малакасини ошириш кўлами ортиб борди. 1960 йили - 1024 шифокор, 1965 йили – 2211 шифокор, 1975 йили – 3031 шифокор ва 1981 йили 5000 шифокор тайёрланди.

Институтнинг биринчи директори - профессор Моисей Ильич Слоним (1932-1938) бўлган.



**Кечаки. 1932 йилда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ушбу бинода ўз фаолиятини бошлиди**

Институт ташкил этилган 1932 йилдан то 2017 йилга қадар 11 киши: Игрон Самуил Маркович (1938-1941), Видутский Моисей Яковлевич (1942-1945), Жўра Сайдович Пўлатов (1946-1953), Маҳамат Бобоҷоновиҷ Султонов (1953-1957), Зияд Аминович Долимов (1957-1960), Маннап Атаматович Мирзамухамедов (1960-1963), Ҳамидула Ҳусанович Ҳусанов (1963-1979), Қаюм Собирович Зоиров (1979-1984), Абдуманон Раҳманович Раҳимжонов (1984-1997), Жўрабой Маърифбоевич Собиров (1997-2017) ректорлик лавозимида ишлаганлар.

**Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелдаги “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-4666-сонли Қарори билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институтини Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази этиб қайта ташкил этилди.**

Институт тамал тошини қўйган, уни ташкил этишда, пойdevорини мустаҳкамлашда ва шу билан бирга уни йирик ўқув ва илмий марказга айлантиришда ўзларининг беназир улкан ҳиссаларини қўшган инсонларнинг хотиралари жамоада фахр билан эсланади.

Баркамол инсон, дунё таниган, собиқ Иттифоқда биринчилардан бўлиб, пульмонология кафедрасни ташкил қилиб, мактаб яратган олим, тиббиёт фанлари доктори, профессор, ЎзР Фанлар академиясининг академиги Убайдуллаев Абдулла Мухаррамович институт раҳбарлари ҳақида: «Мен шу муқаддас даргоҳда ишлаётганимга 65 йил бўлди. 1958 йилда тиббиёт институтини тутатиб ТошВМОИ терапия кафедрасида клиник ординатурда ва аспирантурда таҳсил олдим. Институт ректори З.А. Долимов мени клиник ординатурага, пульмонология кафедрасига ишга қабул қылган. У жуда ақлли, зийрак ва олижаноб инсон, ёшларга тўғри йўл кўрсатишида вақтини ҳеч аямаган, энг зўр тоза одам эди.

М.А.Мирзамухамедов- раҳбар бўлган даврларда мен ассистент, доцент сифатида меҳнат фаолиятимни давом эттирдим.

Ҳ.Ҳ.Хусанов - раҳбар сифатида одамларни одами бўлган. Мени терапия факультетига деканликка чақирганлар. 1975-1986 йилларда даволаш факультети декани бўлиб ишладим.

Қ.С.Зоировнинг мураббийлик фаолияти асосан ўзи ректорлик қилган Тошкент врачлар малакасини ошириш институти билан боғлиқ. 1963 йили унинг ташаббуси билан институтда Умумий гигиена кафедраси ташкил топди.



**Тиббиёт ходимларини касби малакасини ривожлантириш маркази (Тошкент врачлар малакасини ошириш институти) бугун**

Шуни алохига айтиб ўтиш зарур деб биламан. Профессор Қ.С.Зоиров Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири лавозимида фаолият юритаётган вақтларида ТВМОИда “Клиник пульмонология” кафедрасини ташкил қилишда менга Собиқ Иттифоқ соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари академик Ю.Ф.Исаковга илтимоснома яъни ТВМОИ таркибида янги кафедра “Клиник пульмонология” Ўзбекистон учун пахта далаларида меҳнат қилаётган аҳоли орасида бронх –ўпка касаллиги кўп эканлиги сабабли ташкил қилиш кераклигини кўрсатиб, илтимоснома ёздилар.

Мен, Москвадан яъни 1977 йил 18 августида 796 сонли (Об организации кафедры пульмонологии в ТашИУВ) буйруқ олиб келдим. Ушбу буйруқ асосида Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида «Клиник пульмонология» кафедраси ташкил топди.

**Устоз Қ.С.Зоиров Ўзбекистон Компартияси Марказий комитети биринчи котиби Шароф Рашидович Рашидовнинг маслаҳатларига кўра врачлар малакасини ошириш ишининг сифатли бўлишини таъминлаш мақсадида зарур шароитларни яратиш учун, Москвадан институт учун янги бино қуришга руҳсат олиб унинг пойdevорини қурилишига сабаб бўлишган** (Оллоҳни раҳмати бўлсин уларга).

Қаюм Собировичга тўғрисўзлик, ҳалоллик, адолатлилик, тиббиёт фанига оид муҳим масалаларни ҳал қилишда қатъиятлилик, талабчанлик сингари фазилатлар ҳам хос эди.

Рахимжонов Абдуманон Рахмонович - Ўзбекистонда атоқли невролог олим ва қаттиқўл раҳбар, меҳрибон, меҳр-муруватли, тўғрисўз, аммо чўрткесар инсон эдилар.

Истеъдодли раҳбарнинг яна бир ижобий хусусиятлари бор эди. Ҳар бир ёш мутахассисда қобилиятни, имкониятни кўра билиб, янги фикрлар, фоялар берардилар. Бирон бир муаммо билан мурожаат қилсангиз, у киши албатта ёрдам берардилар.

Абдуманон Рахмоновичнинг илмий-амалий ва ташкилотчилик фаолиятлари кўп киррали ва кенг кўламлидир. Бу, айниқса, ТашВМОИнинг асосий биноси ва врач-тингловчилар учун ётоқхона қуриш ишлари бошланганда яққол намоён бўлди.

Собиқ Иттифоқнинг сўнги йилларида бундай катта кўламдаги қурилиш ишлари ҳар қандай раҳбар учун оғир иш эди. **Биринчи президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг** амалий ёрдамлари билан **Абдуманон Рахмонович Рахимжоновнинг** қатъиятлиги ва ташкилотчилиги билан 1987-1990 йиллар оралиғида ТошВМОИнинг асосий биноси ва врач-тингловчилар учун ётоқхона қуриш ишлари амалга оширилди ва 1990 йилда фойдаланишга топширилди (Оллоҳни раҳмати бўлсин уларга).

Собиров Жўрабой Маърифбоевич – соғлиқни сақлаш тизими ва тиббиёт таълимнинг иирик ташкилотчиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Россия тиббиёт-техника академиясининг ҳақиқий аъзоси.

1989 йилда Ж.М.Собиров ташаббуси билан “Шошилинч ва тез тиббиёт ёрдам” кафедраси ташкил этилди ва ушбу кафедрага унинг ўзи раҳбарлик қилган. 1992 йилда анестезиология ва реанимация ҳамда шошилинч ва тез тиббиёт ёрдам кафедраси бирлаштирилди, унга раҳбар этиб профессор Ж.М.Собиров тайинланди. Ҳозирда улар яна алоҳидадир.

1997 йил апрелдан Ж.М.Собиров ТошВМОИ ректори этиб тайинланди, унинг ташаббуси билан ҳар йили республикамизнинг етакчи мутахассислари ҳамда яқин ва узок хориждан келган олимлар билан ҳамкорликда илмий-амалий анжуманлар, семинарлар ўтказиб, янги яратилган технологиялар, дори воситалари амалий тиббиётга жорий этиб келинди.

Акилов Ҳабибулла Атауллаевич - тиббиёт фанлари доктори, профессор. 2003 -2017 йиллар мобайнидатошВМО институти ўқув ишлар бўйича проректори вазифасида ишлади. Ўша йилдан ҳозиргача Хирургия ва болалар хирургияси кафедраси мудири лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда. Юқори малакали шифокор, тажрибали хирург, абдоминал хирургия усулларини чуқур ўзлаштирган. Болалар патологиясида шошилинч ва режали хирургик операцияларни тўлиқ олиб боради, ҳалқ ибораси билан айтганда кўли енгил жарроҳ.

Акилов Х.А. бугунги кунда институт раҳбари сифатида узлуксиз таълим тизимини мукаммаллаштириш, унинг миллый асосларини мустаҳкамлаш, таълим ва тарбия жараёнини жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган даражада ташкиллаштиришга ҳаракат қилмоқда» – деб ўз фикр мулоҳазаларини билдирилар.

**Тиббиёт фанлар номзоди, доцент Маматова Толиха Шукуровнанинг дил сўзлари:**

«Ушбу муқаддас олий даргоҳда 50 йил мобайнida фаолият олиб бормоқдаман. 1972 йили мени аспирантурага кириш учун ёзган аризамга имзо кўйган институт ректори доцент Х.Х.Хусанов бўлса, кейинчалик профессорлар: К.С. Зоиров, А.М.Рахимжонов, Ж.М.Собиров ва ҳозирда профессор Х.А.Акилов қўл остида ишламоқдаман.

Мен бу институт, оториноларингология кафедрасида жуда катта педагоглик, мутахассислик, илмий ходим, ёшлар устози мактабидан ўтдим. Чунки мен фаолият кўрсатаётган кафедрада на факат Ўзбекистонда балки, сабиқ Иттифоқда машхур оторинолоринголог профессорлар - К.А.Дреннова, Э.А.Ладиженская, Г.Т.Ибрагимов ва яна бир қатор тажрибали доцент, ассистент педагоглар ишлаган. Бутун иш фаолиятимда уларнинг маслаҳати катта йўлланма бўлган ва ёрдам берган. Ўз иш фаолиятим давомида нафақат назарий педагогика, балки амалиёт билан ҳам шуғулландим. Ёшларни илмга чорладим. З нафар тиббиёт фанлар номзоди шогирд тайёрладим, 4 - эса ёқлаш арафасида. 200 дан ортиқ илмий мақолалар чоп этдим.

Кейнчалик ҳам кучим борича шу даргоҳда ҳар томонлама «лаббай» деб фаолиятимни давом эттиришга тайёрман. Шундай олийгоҳ ва

табаррук ЛОР кафедраси ташкил этилганига 90 йил бўлди. Ушбу кафедра аъзоси бўлиб фаолият кўрсатаётганимдан фаҳранаман».

**Тиббиёт фанлари доктори, профессор, Россия ва Нью-Йорк Фанлар академиялари академиги, Кирғизистон Республикаси Миллый фанлар академияси фахрий академиги, Республикада хизмат кўрсатган врач Баҳромов Сайджалол Махмудович мулоҳазаларига ётибор қаратайлик:**

«ТВМОИда 1985-2016 й. гематология ва трансфузиология кафедраси мудири, 2016 й. охиридан кафедра профессори лавозимларида ишлаб келмоқдаман. Ушбу малака ошириш олий ўқув масканида 37 йил мобайнida фаолият олиб бормоқдаман. Кафедра мудирлигига ўқувчим, тиббиёт фанлари доктори, талантли ёш мутахассис олим Э.Ж. Исҳаковни тавсия этганман ва у ўз вазифасини шараф билан адо этмоқда.

XX аср, ўзидан олдинги ўн тўққиз аср бермаган ўта янги қашфиёт, ихтиро ҳамда жуда кўп бошқа янгиликларни тухфа қилиб, дунё тарихига олтин харфлар билан илмий-техникавий инқилоб асри деб михланди ёхуд ёзилди. Бу афсонавий аср бизнинг жонажон диёrimiz Ўзбекистонга ўз заррин нурларини таратди ва шу боис унинг бағрида қувончли одимлар бошланди.

Жумладан, 1919 йилда сабиқ Иттифоқ пойтахти Москвада биринчи бор Тошкентда очилиши мўлжалланган Туркистон Университети ташкилий қўмитаси тузилиб, унга, кейинчалик академик, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Александр Николаевич Крюков жалб этилади. Бу улуғ зот 1920 йилда очилган юқоридаги (ҳозирги Миллый) Университет таркибидаги тиббиёт куллиёти директори этиб тайинланади. Ана шу кезларда ҳалқ соғлигини сақлаш ишининг келажаги учун қайфурган бу машхур шифокор, педагог-олим бўлажак ҳамкасларнинг вақтида малакасини ошириш маскани яратилишини кун тартибига кўя бошлагани маълум. Бундай орзунинг ушалганига 90 йил тўлиши арафасидамиз, иншо-оллоҳ. Ўтган даврларда ТВМОИни анча-мунча таниқли шифокор-ташкилотчи олимлар бошқариб, ўз салмоқли хиссаю-улушларини кўшганлар деб айтиоламиз.

Бу ерда, бизнинг кўз ўнгимизда ТВМОИда раҳбарлик бурчини ўтаган ва ўтаётган ташкилотчи педагог-олимлар тўғрисида холисона қисқагина сўз қотмоқчимиз.

**Зоиров Қаюм Собирович** – профессор, иккинчи Жаҳон уруши қатнашчиси, Ўзбекистон соғликинин сақлаш вазири лавозимида ишлаган ва ТВМОИ ректори бўлган. Камина Ўзбекистон ССВ Илмий Кенгаши раиси ўринбосари вазифасида ишлаган пайитмда (1982-1984 й.й.) институт фаолиятидан боҳабар ва унинг раҳбари

билин кўришиш ҳамда сұхбатлашишга мушарраф бўлган. Устоз Қаюм Собирович кишига тик қараб, очик сўзлашувчи, салобатли ва вазмин инсон эдилар. Унинг бир сўзлиги, адолат пешалиги кишининг дикқатини тортар эди. Қаюм Собирович врачлар малакасини ошириш ишининг сифатли бўлишини таъминлаш учун зарур шароитларни яратишга жон-жаҳди билан ҳаракат қилувчи арбоб эдилар.

**Рахимжонов Абдуманон Рахмонович** – атоқли невролог олим. Ул зот машхур олимлар Я.Я. Гордон ва профессор Шерешевскийларнинг издоши, яратувчан олимлиги туфайли Ўз ФА академиги этиб сайланган етук шифокор ва ташкилотчи-олим даражасига кўтарилик шахс эди. А.Р. Рахимжонов ҳаракатлари заминида ТВМОИ бош иншоати (янги корпус) ва талабалар ёткнонаси қурилишлари якунига етказилди. Абдуманон Рахмонович асосий институт ва унинг Самарканд ва Андижон филиаллари кадрлари ва ишлари холатига алоҳида эътибор беришган раҳбар эди.

**Собиров Жўрабой Маърифбоевич** профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими, Тошкентдаги улкан институт ТВМОИнинг бешигини 20 йил тебратган моҳир ташкилотчи, педагог-олим. Доимо янгиликка интилевчи, сұхбатдошини эътибор билан тинглаб, унинг фикр-гояларини тез билиб олиб, уларни қўллашга интилевчи раҳбарлик фазилатларига эга. Бутун вужуди билан ўзи бошқарган ТВМОИ фаолиятларининг барча жабхалари ривожига эътиборда бўлганликларини биламиз. Ва ниҳоят, Ж.М. Собировни Ўзбек тиббиётини ўта муҳим соҳаси ҳисобланмиш реанимация ва анестезиологиянинг тикланишига ва ривожланишига замин яратган ташкилотчи-олим деб ҳисоблаш лозим.

**Акилов Ҳабибулло Атауллаевич** – тиббиёт фан доктори, профессор. Бу ерда, кези келганда, шуни алоҳида қайд этмоқчимизки, илмда ва ҳаётнинг муҳим йўналишларида муқим ва катта ривожланишни тегишли мактаблар бор жойдагина кутиш мумкин, чунки уларда илғор гоялар, тажрибалар эстафетаси мавжуд бўлади Ҳабибулло Атауллаевич бу борада қўшалок мактаб ўтган кишидир. Биринчидан у таникли олим, ташкилотчи падари бузруквори профессор Атаулло Тўраханович мактабини ўтаган. Иккинчи 20 йилга яқин вақт ичida ректорлар Қ.С. Зоиров, А.Р. Рахимжонов меросидан баҳраманд бўлиб, ва айниқса, Ж.М. Собиров билан яқин ҳамкорикда фаолият олиб бориб, ўз тажрибасини бойитган. Қолаверса, Ҳабибулло Атауллаевич Ўзбекистонда профессор К.Х.Тагиров асос солган болалар жарроҳлик мактаби давомчиси ва уни яна юкори поғонага кўтараолган моҳир хирург-олимдир. У ҳозирда врачлар малакасини ошириш ишини

жаҳон андазалари даражасига етказиш учун бор куч-трайнатини сарфлашга интилмоқда. Мехнатлари хайирли бўлсин».

Академик олимлар В.Воҳидов ва Ф.Ф.Назировнинг иқтидорли шогирдларидан бири Ҳабибулло Акиловдир. Таникли олим малакали хирург, кўп тармоқли мутахассис, 500 дан ортик илмий мақолалар, 4 та монография ва бир неча авторлик шаходатномалар, услубий таклифлар муаллифидир. Мураббий сифатида ҳам иззатхурмат қозониб, умумий хирургия ва болалар хирургияси бўйича 6 та фан доктори ва 28 та фан номзодини тайёрлади.

Профессор Ҳабибулло Акилов илмий – педагогик, консультатив – даволаш ишларни ва ташкилотчиликни мувофиқ равишда самарали олиб боради. 1999 йилдан ҳозирги вақтгача тўрт марта Тошкент шаҳар ҳалқ депутатлигига сайланган. Ўзбекистон болалар хирургияси илмий жамиятининг раиси. Россия тиббий -техника фанлар академияси академиги.

Кўп йиллик хизматлари эвазига Ҳабибулло Акилов хукуматимизнинг юксак мукофотлари - «Соғлиқни саклаш аълоҳиси», «Мустақилликнинг 10, 20, 30 йиллиги», « I - даражали меҳнат фахрийси» кўкрак нишонлари билан тақдирланган, «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.”

**Россия Тиббиёт-техника фанлари академиясининг академиги, Ўзбекистонда ультратратовуш диагностикасининг асосчиси, профессор Акрам Акмалович Фозиловнинг фикрларига тўхтalamiz:**

«1987 йил баҳорида Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг онкология кафедрасига узоқ йиллар раҳбарлик килган профессор Вали Ғуломович Ходжаев вафотларидан сўнг институт онкология кафедрасига мудирлик лавозимига танлов эълон килган. Шу даврда Институт ректори академик Абдуманон Рахмонович Рахимжонов онкология радиология илмий тикшириш институтини директори академик Наримон Қодирович Муратходжаевга мурожжат этиб институтни етук олимларини танловда иштрок этишга таклиф этганлар. Шунда Наримон Қодирович мени яъни Акрам Акмалович Фозилов ва тиббиёт фанлари доктори Арефий Александрович Кочегаров номзодларни таклиф этганлар ва биз иккаламиз шу танловда иштрок этиш учун хужжатларни топширганмиз. Конкурс бир қанча узоқ давом этган. Мен шу даврда Собиқ Иттифоқ фанлар кўмитасини топширги билан Афғонистон Республикасининг пойтахти Қобул шаҳрида Ўзбекистонда тиббиёт ривожи ҳакида жуда катта кўргазма ўтказишга тайёргарлик кўраётган вақтим эди.

Танлов ўтказилган вактда мен хали Қобулда катта анжуманин ўтказиш тараддуди ва уни яхши ўтказиш жараёнинга кўргазма директори сифатида раҳбарлик қилган бўлсан мана шу Афғонистонга Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири профессор С.М. Бахромов раҳбарлигига академик Ё.Х.Тўрақулов, профессорлардан Т.А. Даминов, Андижондан профессор Мирзаев ва яна Тошкент врачлар малака ошириш институтидан Ш.Х.Ходжаев ва бошқа етук олимлар иштирок этиб, Афғон-Ўзбекистон дўстлигига жуда яхши тамал тоши қўйиб келинган. Ўша ерда яшаётган ўзбек зиёлилари билан учрашув ўтказиб жуда яхши фикирлар билдирилган.

Мен танловда ўзим шахсан иштрок этмаганман лекин 1987 йил октябрь ойини охирида шу танловда мен онкология кафедрасига мудир этиб тайинланганман. Албатта онкология кафедрасига мудирлик қилиш, Тошкент врачлар малака ошириш институтида ишлаш мен учун жуда катта шараф ва масъулият эди. Шараф ва масъулият шундан иборатки ушбу институт собиқ Иттифоқда ўзини етакчи ўрнига эга. Бу института етук академиклар И.К.Мусобаев, Ш.А.Алимов, мана ҳозирги кунда фаолият олиб бораётган академик А.М. Убайдуллаев, академик С.М.Бахромов, академик Ф.Г.Назировлар жамоалари ўша ердан - куртак отган жойдан ҳозирги кунгача ўзини салоҳиятини юқори ушлаб турган институтда ишлаш албатта масъулиятли эди.

Ўзаро сұхбатимизда Абдуманон Рахмонович онкология кафедрасини ишларини янада ривожлантириш мақсадида мени олдимга бир канча вазифаларни қўйганлар. Биринчи навбатда ўсма касаликларни барвакт аниқлаш уларни замонавий даволаш усулари қаторида илғор кириб келаётган янги технология яъни жарроҳлик усууллари билан бирга химия терапия, нур терапия, ҳозирги жаҳон андозаларига тўғри келадиган стандарт даволаш чораларини ўқув жараёнинга изчиллик билан тадбиқ қилиш вазифалари юклangan. Бу вазифаларни амалга оширишда албатта кафедра ходимлари салоҳиятини ошириш ишларига берган ёрдамлари катта қувват берган.

1988 йилда Собиқ Иттифоқ соғлиқни саклаш вазирлиги топшириғи билан Москвадага марказий врачлар малака ошириш институти ректори профессор Гаврюшов раҳбарлигига институтимизни катта комиссия келиб текширган. Шу текшишиш натижасида институтимиз салоҳиятига юксак баҳо берилган ва **биринчи даражали институт мақоми берилган**. Бу мақомга фақат Ленинград ва Харьков малака ошириш институтлари эга бўлганлар. Шу комиссия текширишлари асосида институтни моддий техник томондан таъминлаш, кадрлар салоҳиятини янада

оширишга катта аҳамият берилиши лозимлиги вазифалари келиб чиқкан.

Шу даврда академик Карим Юлдашевич институтимиз илмий ишлар соҳаси проректори вазифасида ишлаганлар. У киши физиотерапия ва курортология институти директори лавозимига тайинланганларидан сўнг мени номзодимни ўринларига тавсия этганлар. Фикримча бунга сабаб бирмунча аввал Карим Юлдашевич ЎзР ССВ ўринбосари бўлиб ишлаган даврларида мен ССВ илмий кенгаши раисининг ўринбосари бўлиб ишлаганман ва «илмий ишларни ташкил этиш масалаларида бир мунча тажриба орттирган бўлиши керак» деб ўйлаган бўлсалар керак. Мени тавсиямни Сайджалол Маҳмудович хам қўллаганлар.

У вактлар институтимиз собиқ Иттифоқ ССВ ихтиёрида бўлган, шу сабабли Москвада Собиқ Иттифоқ соғлиқни саклаш вазири академик Е.И.Чазов билан сұхбатдан ўтганман. 1986 йилда Германияда ташкил этилган «Врачлар ядро куролига карши!» харакатига Е.И.Чазов раҳбарлик қилган, мен шу харакат аъзоси бўлганман. Шу сабабли Евгений Иванович мени номзодимни «кутилган номзод» деб фаолиятимга муваффақиятлар тилаб қолган. Мен ўз навбатида янги лавозимда ишни ривожлантиришим учун қўллаб-қувватлашларини сўраганман, яъни институтимизни моддий техник базасини ривожлантириш учун кўмак сўраганман ва ўша вактда катта микдор ҳисобланган 700 минг сўм Тиббий ускуналар хариди учун хисоб олганман – бу тиббий ускуналар Тошкентга бир ҳафта муддатда этиб келган.

1988-1992 йиллар давомида мен институт илмий ишлар соҳаси проректори бўлганман. Институтимиз мавқенини ва салоҳиятини оширишда, жамоани жисплаштиришда ректор академик А.Р.Рахимжоновнинг ўринлари ва хизматлари бекиёсdir. **Шу даврда Абдуманон Рахмонович саъии харакатлари натижасида институтимизнинг ҳозирги маъмурий ўқув биноси ва шифокорларга мўлжалланган ётоқхона фойдаланишга топширилган**. Абдуманон Рахмонович кадрлар тайёрлашга катта эътибор берганлар – ёшларга ишонч билдириган холда ўрин-ўрнига қўйиш масалаларида яхши маслаҳатлар берганлар. Журабой Маърифбоевич Собиров, Асилбек Асадович Гайбуллаев, Шомурот Носирович Носиров каби ҳозирги кунда кафедраларга раҳбарлик қилаётган, илмий-ташкилий ишларга катта хисса қўшаётган етук профессор-олимларимиз Абдуманон Рахмонович саъии-харакатлари билан илмий ишларини Москвада амалга оширганлар.

1992-1998 йиллар давомида ўқув ишлар соҳаси проректори бўлиб ишлаганман. Бу давр институтимизнинг энг қийин ва масъулиятли даврларидан бири бўлган. Сабаби мустақиллик

шарофати билан Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш Қонуни асосида ўқув-амалий ишларни қайта кўриб чиқиш даври эди. Бу жабҳада Абдуманон Раҳмонович раҳбарлигида институтнинг тажрибали деканлари қимматли маслаҳатлар беришган.

1998 йил 10 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш тўғрисидаги Фармони ижроси доирасида Абдуманон Раҳмонович бошлигигида бирламчи тиббиёт бўғимини яратиш, қишлоқ врачлик пунктларини тайёрлаш, қишлоқ оиласвий врачларини тайёрлаш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш ва ихтисослашган тиббий хизматни янада ривожлантириш вазифалари бажарилиши бошланди. Бунда қишлоқ оиласвий шифокорларини тайёрлаш масаласи Ўзбекистон учун мутлако янги йўналиш эди. Бу ишларни амалга оширишда айниқса Улугбек Каримович Қаюмов катта хисса қўшганлар. Бу йўналишда бир неча хил ўқув дастурлари ишлаб чиқилган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги институт томонидан ишлаб чиқилган 10 ойлик ўқув дастури қабул қилинган.

Мен ректорларимиз Абдуманон Раҳмонович Раҳимжонов, Журабой Маърифбоевич Собировлар билар бир қаторда ёнма ён меҳнат қилганимдан фахрланаман.

Менга устозлик қилган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Жўра Мажидович Абдурасулов, Собик Иттифоқ фанлар академияси Президенти, профессор Николай Николаевич Блохинлар қаторида академик Абдуманон Раҳмонович Раҳимжоновни ҳам устозим сифатида хурмат ва иззат қиласман. Охиратлари обод бўлсин, рухлари шод бўлсин. Абдуманон Раҳмоновичнинг институт учун хизматлари жуда катта ва бу хизматлари қалбимизда доимо сақланиб қолади».

**«Ўзбекистон Қаҳрамони», тиббиёт фанлари доктори, профессор Комилов Холиджон Махамаджонович ўз мулоҳазаларини шундай баён қилдилар:**

«Тошкент врачлар малакасини ошириш институти офтальмология кафедрасига отам, устозим, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган врач, тиббиёт фанлари доктори, профессор Махамаджон Комилович Комилов 1957-1988 йилларда кафедра мудири бўлиб хизмат қиласман. Менинг шифокор ва олим бўлиб етишишимда отамнинг ва оиласвий мухитнинг аҳамияти катта бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Зоиров Қаюм Собировичнинг ўшларга кўрсатган алоҳида эътиборлари туфайли, маслаҳатлари билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институтига илмий тадқиқотчи лавозимига ишга қабул қилинганман. Ўша даврда

ректор бўлиб ишлаган тиббиёт фанлари номзоди, доцент Хусанов Хамидулла Хусанович илмий ишларимни кўриб чиқиб, Москвадаги Академик Н.Н. Бурденко номли нейрохирургия илмий-текшириш институтига илмий-тадқиқот ишларимни давом эттириш учун тавсия этганлар.

1988 йилда отам Комилов Махамаджон Комилович нафақага чиқгандан сўнг, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректори академик Раҳимжонов Абдуманон Раҳмоновичнинг таклифларига биноан ушбу институтнинг офтальмология кафедрасига мудир бўлиб ишга ўтганман ва шу давргача мудир лавозимида хизмат қиласман.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректори бўлиб ишлаган тиббиёт фанлари доктори, профессор Собиров Жўрабой Маърифбоевич ва ҳозирда фаолият юритиб келаётган тиббиёт фанлари доктори, профессор Акилов Ҳабибулло Атоуллаевич Ўзбекистон Республикасида кўплаб шифокорларнинг қайта тайёрланишига малакаси ва билимини оширишга хисса қўшиб, ўқитиш ишларини замонавий босқичга олиб чиқаяптилар...».

**«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»да бу илм маскани ҳақида шундай сатрлар бор - «Институт Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг олий тиббий мутахассислар тайёрлайдиган базаси хисобланади».**

Дарҳақиқат, 1992 йилдан институтда ҳар иили 8-10 минг мутахассис малакасини ошириб бормоқда. Институт бирламчи амбулатория – поликлиника тизимида ишлаётган терапевт ва педиаторларни умумий амалиёт мутахассислиги бўйича қайта тайёрлашнинг узок муддатли дастурини амалга оширади. Институт профессор ўқитувчилари йирик ҳалқаро анжуманларда иштирок этиб, хорижий давлатларда ўз малакаларини оширадилар. Институтда Ҳалқаро семинарлар ва симпозумлар ўтказилади. Институт монография, дарслик, услугубий қўлланмалар ва илмий ишлар тўплами нашр этади.

Институт фаолиятининг турли даврларида шифокорларнинг дипломдан кейинги малакасини ошириш ва такомиллаштиришда етакчи олимлар, соғлиқни сақлаш ташкилотчилари: профессор С.А.Агзамходжаев, Н.А.Шаматов, К.Ю.Юлдашев, М.К.Комилов, Н.Қ.Бабаходжаев, Ш.Х.Хўжаев, Р.А.Абдуллаев, З.М.Джамалова, А.С.Зарзар, Г.Т.Ибрагимов, Д.С.Каримов, А.А.Каланходжаев, Х.Н.Муратова, А.Р.Мансуров, Ш.Ш.Шомансуров, Х.А.Алимов, О.М.Мухторов, М.Х.Хамирова, М.А.Исамуҳамедова, Х.Т.Мухамедова, Д.Ф.Каримова, М.Ж.Азизовлар фидокорона меҳнат қилиб, кўплаб шогирдлар тайёрлаганлар (Оллоҳни раҳмати бўлсин уларга).

Ўтган 90 йил давомида дипломдан сўнгги юкори малакали мутахассисларни тайёрлашда

ТошВМОИ етакчи олий ўқув ва илмий даргоҳ сифатида тан олиниб, **1982 йил 19 августда «Мехнат Қизил Байрок» ордени билан мурасаланган.**

2017 йил март ойидан бошлаб Акилов Хабибулла Атауллаевич ўн иккинчи ректор лавозимида, 2021 йил маҳсус қарор билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институти – Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш Маркази этиб қайта ташкил этилганлиги муносабати билан ҳозирги кунга қадар директор лавозимида марказни маҳорат билан бошқариб келмоқда.

Марказнинг устувор йўналишлари ўзгарди, бироқ асосий вазифалар шундайлигича қолди, яъни юқори малакали шифокор кадрларни тайёрлашда дипломдан сўнгги тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда услубий таъминотни йўлга кўйишдан иборат.

Ўз қасбига садоқатли, устозлари ишини давом эттириб, кўплаб муносиб шогирдлар тайёрлаб, мактаб яратган ва устоз даражасига кўтарилиган забардаст олимлар: профессор А.М.Убайдуллаев, С.М.Бахромов, А.А.Фозилов, Ф.Ф.Назиров, Д.А.Асадов, Х.М.Комилов, Ф.С.Шамсиев, Д.М.Собиров, М.А.Ғофур-Охунов, Ҳ.А.Акилов, Б.Ғ.Ғафуров, А.Н.Арипов, А.А.Гайбуллаев, Ш.Э.Атаханов, Д.А.Зарединов, А.А.Абдуқодиров, Ш.Б.Иргашев, Ш.Ш.Шамансуров, М.М.Асатова, Х.М.Нуриддинова, Ф.Д.Каримова, Г.А.Ибадова, Л.А.Турсунходжаева, А.В.Фозилов, М.З.Зоҳидова, Э.М.Миржўраев, Х.Н.Мухитдинова, С.С.Арифов, Э.И.Мусабаев, Ф.И.Хамрабоева, М.С.Қосимова, Г.М.Тулабаева, Г.Т.Искандарова, У.Х.Алимов, А.С.Ходжаева, Ф.Б. Алиджановларни фаҳр билан тилга оламиз ва уларга таъзим қиласиз.

Марказ кафедраларида юқори малакали, билимдон мутахассислар: Т.Ш.Маматова, Л.Э.Атаханова, Р.П.Назарова, Х.М.Каримов, Н.С.Борзова, Д.С.Ярмухамедова, М.Г.Максумова, М.И.Сулаймонова, К.Ф.Абдурахмонов, У.Б.Ботиров, Ю.Ш. Талипова, Х.М. Сагатова, Д.С.Ярмухамедова, Р.Т.Хайдарова, А.А.Набиев, Н.М.Норматова, М.Х.Абзалова, М.К.Гулямова, Ш.Х.Сайдазизова, Р.Р.Саатов, Ш.А.Куртиева, Х.П.Иноятов, Г.Ш.Хамраева, Ф.М.Гафарова, З.М.Абдужабарова, М.Л.Соипова, Ф.Р. Ш.З.Мусаев, Д.Т.Хатамова **каби доцентлар;** А.А.Хусанов, М.М.Зиямухамедова, М.А.Махмудов, Р.К.Қобилов, О.М.Абдурахманов, Н.М.Алиханова, Д.М.Бабаҳанова, М.М.Расулова, Л.М.Мақсудова, И.З.Пулатова, Р.К.Қобилов, Ш.Р.Атабекова, Ж.А.Сайдова **каби асистентлар** фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Улар амалий соғлиқни саклаш тизимининг чакирикларига

доимо ҳозиржавоблик билан муммолярни тезкор ва сифатли ечишда намуна бўлиб келмоқда.

Марказ ходимлари COVID – 2019 га қарши курашиш, касалликка чалинган беморларни самарали даволашда фаол иштирок этдилар. Аммо шафқатсиз вирус институтимиз жамоасининг “Кардиология ва функционал диагностика” кафедраси мудири лавозимида ишлаб келаётган Ярмухамедова Гулнора Ҳабибовна ва “Ултратовуш диагностика” кафедраси асистенти Алимардонов Орифжон Рўзимуродовични орамиздан олиб кетди. Улар ўз касбининг фидойиси эдилар.

Республикадаги етакчи илмий текшириш институтлари ва нуфузли ихтисослаштирилган илмий –амалий тиббиёт марказлари бу илм даргоҳининг ўқув базаси ҳисобланади (академик В.Воҳидов номидаги РИХМ, РШТЁИМ, Гематология ва қон қўйиш ИТИ, Дермато – венерология, Педиатрия, Болалар миллий тиббиёт маркази, Фтизиатрия ва пульмонология, Травматология ва ортопедия), 14 кўп тармоқли шаҳар шифохоналари ва 6 та оиласий поликлиникалар шулар жумласидан бўлиб, шифокорлар 60 та ихтисослик бўйича ўз малакаларини оширади ёки қайта тайёрлашдан ўтади.

**Республикамизда тиббиёт ходимларини жойларда малака маҳоратларини ривожлантириш мақсадида президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг ташабуслари билан 2020 йил апрель ойида Марказ қошида 5 та ҳудудий (Навоий, Наманган, Қашқадарё, Сирдарё, Жиззах) филиаллар ташкил этилди.**

Бундан ташқари 5 та факультет (“тиббий-профилактика”, “терапия”, “хирургия”, “педиатрия”, “менеджмент, “жамоат саломатлиги ва соғлиқни саклашни бошқариш”) ва клиник ординатура деканати фаолият олиб бормоқда. Сўнгги 15 йил давомида икки йиллик клиник ординатурани 4 000 ортиқ ёш мутахассислар битириди.

Ҳудудларда масофадан ўқитилганлар сони 2020 йилда 676 нафарни, 2021 йилда 4379 нафарни ташкил этиб, ўтган давр мобайнида бу кўрсаткич 6,5 баробарга ортди.

**• 5 та топ профилли симуляцион марказ:** шундан 3 таси кўшма (GE АҚШ ва GIZ Германия билан ҳамкорликда) лапороскопик ултратовуш симуляцион марказ;

- 1 та ўқув-тадқиқот лабораторияси
- 1 та ўқув маслаҳат маркази

**• ҳалқаро аккредитациядан ўтган Республикада ягона бўлган ҳалқаро лаборатория:**

- Радиологик илмий-тадқиқот ва синов лабораторияси

- Биологик хавфсизлик лабораторияси
- Микробиология лабораторияси
- Ўта хавфли инфекцияларни диагностикалаш лабораторияси фаолият олиб боради.

Марказда таълим жараёни Вазирлар Махкамаси қошидаги Давлат таълим назорати инспекцияси томонидан **762 та аккредитациядан ўтган ўкув дастурлар** ёрдамида амалга оширилмоқда ҳамда **7 та хорижий ҳамкорлар билан қўшма таълим дастурлари** йўлга қўйилди.

Бугунги кунда марказнинг илмий салоҳияти етарлича юқори. Буни қуидаги кўрсаткичлар тасдиқлайди: Марказда 441 та ходим меҳнат қиласи, улардан 4 нафари академик, 129 нафар фан докторлари, 155 нафар фан номзодлари, илмий унвонга эга бўлмаганлар- 154 нафардир.

Кўп йиллик самарали хизматлари эвазига институт ходимлари хукуматимизнинг бир қанча мукофотлари билан тақдирланган. Уларнинг аксарияти Ўзбекистон Республикаси «Соғлиқни сақлаш аълоҳиси» нишони соҳиби. Шунингдек, «Мустақилликнинг 10, 20, 30 йиллиги», «Мехрсаҳоват» нишонлари, «Шуҳрат» медали, «I ва II даражали «Саломатлик», «Соғлом авлод учун», «Эл-юрт хурмати», «Фидокорона хизматлари учун», «Меҳнат шуҳрати» орденлари билан тақдирланганлар, ҳамда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган Соғлиқни сақлаш ходими» унвонига сазовор. Ходимларимиз орасида Офтальмология кафедрасининг мудири тиббиёт фанлари доктори профессор Холиджон Махамаджонович Комилов «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ҳамда «Олтин Юлдуз» медалига сазовор бўлган.

Давлатимиз раҳбарининг кўплаб Фармонлари ва ҳукумат Қарорларида алоҳида таъкидланадики, шифокорларнинг профессионаллий даражасини кўтаришда ва касбий маҳоратини оширишда узлуксиз таълимнинг аҳамияти бекиёс.

Марказ олимлари соғлиқни сақлаш тизимидағи ходимларни узлуксиз касбий таълимга жалб этиш концепциясини яратди. Ушбу концепциянинг мақсади – билим ва кўнімларни кенгайтириш, мустахкамлаш, қайта ўрганиш ва уларни амалиётда юқори даражада қўллашдан иборат.

Бугунги кунда узлуксиз таълимнинг кундузги ва масофадан ўқитиш турлари мавжуд. Республикада биринчи марта **Марказда 2005 йилдан бўён барча вилоятлар билан масофадан ўқитиш йўлга қўйилган.** Масофадан ўқитишнинг турли ташкилий-техник вариантлари қўлланилади: маҳсус сайтлар - Moodle платформаси, телевидеоконференция ёки семинар кўринишида олиб борилади.

Марказнинг фундаментал кутубхонаси 1936 йилда ташкил топган бўлиб, илмий, ўқув тарбиявий ва ахборот-ресурс манбай хисобланади. У барча тингловчи шифокорлар ва илмий ходимларни зарурӣ китоблар, хорижий ва мумтоз тиббиёт адабиётлари билан таъминлайди. Ҳозирги кунда кутубхонадаги илмий, ўқув дарслклари, ижтимоий-сиёсий ва бадиий китоблалр заҳираси 140 000 нусхадан ортади. 2006 йилда китобларнинг электрон нусхаларидан ташкил топган замонавий виртуал кутубхона яратилди.

Марказ фаолиятида илмий-тадқиқот ишлари хам етакчи ўринни эгаллайди Ҳар йили марказ базасида кафедраларнинг профессор-ўқитувчилар, илмий тадқиқотчилари томонидан ўнлаб илмий тадқиқотлар олиб борилади ва диссертациялар ҳимоя қилинади. Кафедра ходимлари томонидан амалий ва инновацион лойиҳалар бўйича тадқиқотлар олиб борилади. Сўнгги 5 йил давомида 26 та амалий ва 3 та инновацион лойиҳалар грант асосида амалга оширилган. Ҳар йили марказ кафедралари инновацион ярмаркада ўзларининг ишларини намойиш этади ва шартномалар тузади. Улар илмий-тадқиқот ишларини самарали ўтказилишига ва олинган янги замонавий технологияларни ўқув жараёнига тадбик этишга кўмак бериб келишади.

Марказнинг муваффақиятли фаолиятида бошқа тиббиёт ташкилотлари билан қилаётган ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Илмий тадқиқотлар ўтказиш ва кадрлар тайёрлаш бўйича 14 та ИТИ, ихтисослаштирилган ИАТМ, ТТА, ТошПТИ, СамДТУ тиббиёт олийгоҳлари, «Соғлом авлод», «Ибн Сино» халқаро жамғармалари, «Болаларни тарбиялаш», «Гиёхвандликни олдини олиш» марказлари билан келишув шартномалари бор.

Марказ катор хорижий тиббиёт марказлари ва таълим муассасалари билан илмий-амалий ҳамкорликларни йўлга қўйган: Вена тиббиёт университети (Австрия), Грац шаҳри тиббиёт институти (Австрия), Очик тиббиёт университети (Австрия), Янги технологиялар ва инновацияларни яратиш ва жорий этишини қўллаб қувватловчи Бранденбург институти (Германия), Тиббий мажмуа университети “Шарите” (Германия), San-Camillo-Forlani Рим шифохонаси(Италия), Онкология экспериментал Университети Witten/ Htrdcke (Германия), Ёнсей Университети стоматология коллежи (Жанубий Корея), С.Д.Асфандияров номидаги Қозогистон миллий тиббиёт университети, Курск давлат тиббиёт университети (Россия), И.И.Мечников номидаги Санкт-Петербург давлат тиббиёт академияси (Россия), Россия дипломдан сўнгги таълим академияси (РМАПО), Туркия Мерси

университетнинг аnestезология ва реаниматология кафедраси, Гессен шаҳри тиббиёт университети (Германия) ва бошқалар.

Халқаро алоқалар бўлими «Тиббиёт ходимлари учун инглиз тили»ни икки босқичли ўрганиш курсининг ташаббускори ва ташкилотчиси ҳисобланади. Машғулотлар Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси ходимлари томонидан тайёрланган тиббиёт терминларидан иборат қулай ўкув қўлланмалар асосида олиб борилади.

Бугунги кунда бутун дунёда тиббий таълимни янада ривожлантириш, ахолининг саломатлигини мустаҳкамлашдаги унинг ўрни ва

аҳамияти тўғрисида фикр юритилмоқда. Таълим жараёни шифокорларнинг бутун ҳаёти ва фаолияти давомида узлуксиз олиб борилиши лозим.

Марказ жамоаси муқаддас илм даргоҳининг 90 йиллик табаррук ёшини қутлаш арафасида ушбу жараёнларнинг нақадар юксак аҳамиятга эга эканини теран англаган ҳолда, аввало замонавий таълимга кўйилган талабларга жавоб берадиган, қурайлиги, ҳаммаболлиги, узлуксизлиги ва сифати билан ажралиб турадиган, энг асосийси шифокорларнинг таълимга бўлган эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган жараённи ташкил қилишда барча имкониятларини сафарбар этади.